

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 13 февраль чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 32 (2860)


## ЯЙЛОВЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ



ФОТОРЕПОРТАЖ

Қарнаб чўлига бу йил баҳор эрта келади. Эл-юрт ризқини ўйлаб кўкка кўз тиккан нурободлик чорводорларнинг фикри ана шундай.

Азалдан чорвачиликка ихтисослашган бу туманнинг Қарнаб чўлида бугунги кунда 113 минг 626 бош қоракўл қўйлари боқилмоқда. Шулардан 82 мингтаси совлиқлардир.

Бир томони Қашқадарё, бир томони Навоий вилоятлари билан туташ бўлган туман чорвасининг тўртдан бир қисми «Саҳоба ота» ширкат хўжалигига қарашли қир-адирларда боқилади. Ширкат хўжалигининг бутун республикамизга машҳур йирик чорвачилик хўжалигига айланишида марҳум, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Тўхтамурод ота Усановнинг хизмати беқиёс. «От изини той босади» деганларидек, отанинг ўғли айни пайтда ширкат хўжалиги раҳбаридир.

— Чорвадан ҳозир кўнглимиз тўқ, — дейди тиниб-тинчимас раис Раҳимузоқ Усанов. — Сабаби — қишловга барвақт тайёргарлик кўрганмиз. Айни кунда қўзилатишни табақалаштирган ҳолда синовдан ўтказмоқдамиз. Айниқса, иссиқ отарларда насл олишнинг бундай усули яхши натижа бермоқда.

Ҳа, қишнинг қировли кунлари ортда қолмоқда. Қарнаб чўлига эса баҳор ҳамиша эрта келади. Буни яхши билган чўпону чўлиқлар ҳали қиш тўлиқ чиқиб улгурмасданоқ яйловга шошилади. Эрта баҳорда униб чиққан гиёҳлар — чучмома, шувоқ, каррак, қизғалдоқлар ва уларнинг устида ўтлаб юрган қимматбаҳо, турли рангда товланувчи қоракўл терили қўзичоқларга боқиб, дилимиз янада яйрайди. Ана шунда кўнглимиз равшан тортиб, она-диёримизнинг ҳар қарич тупроғи олтинга тенг эканлигини ҳис қиламиз.



***СУРАТЛАРДА:** «Саҳоба ота» ширкат хўжалиги чорводорлари ҳаётидан лавҳалар.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**12 февраль куни Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов мамлакатимизга ташриф буюрди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.**

Пойтахтдаги қароргоҳда икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрь ойида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов расмий ташриф билан Тошкентга келган эди. Ушбу ташриф асносида Президент Ислом Каримов билан кенг қамровли музокаралар ўтказилди ва кўпгина келишувларга эришилди.

Бош вазирларнинг мазкур учрашуви президентлар музокарасининг узвий давоми бўлди. Учрашув якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорликка оид битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон бир-бири учун транзит мамлакатлар ҳисобланади. Президентларнинг декабрь ойидаги учрашувида юк ташиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро борди-келдини янада кенгайтиришга келишиб олинган эди. Имзоланган ҳужжатлар бу мақсадларнинг ижроси учун хизмат қилади. Газ, ёнилғи-мойлаш материаллари, моддий-техникавий ва минерал захиралар, бошқа турдаги товар ва маҳсулотларнинг оқими ошади. Ўзаро борди-келди янада гавжумлашади.

Шу куни Тожикистон Бош вазири Оқил Оқилов раҳбарлигидаги делегация Тошкентдан жўнаб кетди.

**(ЎзА).**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Финляндия ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлиси бўлди.**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин дунёнинг тараққий этган давлатлари билан иқтисодий алоқаларни фаол йўлга қўя бошлади. Ана шундай давлатлар сирасига Европада ўзига хос нуфузга эга бўлган Финляндия ҳам киради. Комиссиянинг бу галги мажлисида асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига қаратилди.

Мажлисда, даставвал, Ўзбекистон ва Финляндиянинг иқтисодий ривожланиш жараёни, унинг истиқболи ҳақида атрофлича ахборот берилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи, уни ривожлантириш истиқболи мавзусида маъруза тингланди. Шунингдек, Финляндия ҳукумати дастури доирасида мамлакатимизда молиявий ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ҳаётга жорий қилиш имкониятлари муҳокама этилди.

Финляндиялик меҳмонлар юртимизга ташрифи давомида бошқа вазирлик ва муассасаларда ҳам музокаралар ўтказади.

**(ЎзА).**

## МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ УЧУН 213,1 МИЛЛИОН СЎМ

***Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда қишлоқ жойларида ишлайдиган ўқитувчилар учун ахборот манбаларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда «...умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фонди ўнтагача турдаги газета ва журналларга, асосан республика оммавий ахборот воситаларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига мажбурий обуна қилинишини» таъминлаш зарурий вазифалардан бири этиб белгиланган. Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Мусурмоновнинг айтишича, ана шу мақсадлар учун вилоятга 213 миллион 170 минг сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилаётир.***

### *Қарор ва ижро*

— Бу маблағ яқин кунларда мактабларнинг ҳисоб рақамига тушириб берилади, — дейди у. — Насиб бўлса, нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчиларни ҳам ахборот билан таъминлаш имкониятлари кенгаяди. Мактаб кутубхоналарида республика оммавий ахборот воситалари намуналарини кўпайтирамиз.

— Қарор айни вақтда қабул қилинди, — дейди Яккабоғ туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Собир Қурбонов. — Бунгача ҳам маҳаллий бюджетдан шу мақсад учун 1 миллион 670 минг сўм маблағ ажратилганди. Албатта, бу 103 та мактаб, 30 та болалар боғчаси учун камлик қилади. Энди мактаб кутубхоналари республика газета ва журналларига доимий обуна бўлади. Айни кунда ушбу масалага эътибор янада кучайтирилмоқда. Бу ҳам бўлса аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг амалдаги кўринишидир.

Яккабоғ туманидаги Қ. Ашуров номли хўжалик ҳудудида Ибод Бобоев исмли отахон яшайди. Умри механизаторлик билан ўтган, 1957 йилдан то пенсияга чиққунга қадар ғўза қатор ораларига ишлов берган. 1992 йилдан бери фермерлик қилиб келаяпти. Ибод ота кунлардан бир куни тўнғич ўғли Аҳмадни ёнига чорлади.

— Пахтанинг пули тушиши билан қишлоғимиздаги 23-мактабга маблағ ўтказишимиз керак. Газетами, журналми олиб ўқишсин.

— Олдин ўтказган пулимизга кам таъминланган оилаларнинг болалари дарслик олишибди, — жавоб қайтарди ўғил.

— Яхши-да, — тин олди ота, — ҳукумат бир ёқдан, биз иккинчи ёқдан ҳайт десак, иш жўнашиб кетади. Ҳадемай ҳимояга муҳтож одамнинг ўзи қолмайди. Мана, мени айтди, дерсан...

Ҳа, кўпчилик бугун ана шундай кайфиятда. Юртдошларимиз эртанги фаровон турмушни ўз қўллари билан бунёд этиш учун қатъий саъй-ҳаракат кўрсатишаяпти. Зеро, яратиш, бунёдкорлик туйғуси устувор бўлган жамиятда ютуқлар салмоғи кўпаяверади. Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори ана шундай эзгу мақсадларга ҳамоҳанглиги ва муҳим ҳаётий масалаларга йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатларида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг навбатдаги минтақавий анжумани бошланди.**

## МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг Душанбеда бўлиб ўтган учрашуви тавсиялари ижросини кўриб чиқади. Бу масала юзасидан ҳар бир мамлакатнинг ҳисоботи тингланади. Минтақада гўдаклар, она ва болалар касалликларининг олдини олиш, улар ўртасида ўлимни янада камайтириш истиқболларини аниқлаш, касалликларга қарши эмлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар белгиланади.

Тадбир доирасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров ва ЮНИСЕФнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Филипп Хеффинк журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎСИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 27 январь куни Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз бериб бўлганларидан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашар экан, демократик тамойилларнинг мамлакатимизда қарор топиш жараёнига алоҳида тўхталдилар ва «...Ўзбекистондаги демократияга нисбатан турли фикрларни билдираётганлар уни Европа ёки Америка демократиясига қиёслаб эмас, балки бизнинг демократияга эришиш йўлидаги динамикамизга қараб баҳоласа тўғрироқ бўларди», дея таъкидладилар.

Маълумки, демократик жараённинг ривож топиши мамлакатнинг иқтисодий қудрати билан биргаликда кўпроқ аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, билими, онги ва тушунчасининг замон талаблари билан уйғунлигига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, катта сиёсатда энг илғор мамлакатларга кўр-кўрона тақлидчилик, уларни юксак тараққиётга эриштирган омилларнинг асл моҳиятига етмасдан туриб, ўз халқининг менталитетини, ҳаётий эҳтиёжи ва талабларининг табиатини, иқтисодий ва маънавий имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб, уларга эргашиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Содда қилиб айтганда, бировнинг етагида юриб ўрганган кимса, етакчисидан айрилган куни йўлини ҳам топа олмайди, кунини ҳам кўра олмайди. Худди шу йўлни тутган жамият эса таназзулга юз тутади. Бу борада тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам мисоллар беҳисоб.

### Референдумдан сўнг...

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ барча соҳаларда жаҳон тажрибасига ҳамда кўп асрлик миллий анъаналаримизга таянган ҳолда ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан боришга интилмоқда ва йил сайин юксалмоқда.

Агар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, халқаро нуфузини ошириш, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида тарихан қисқа муддатда амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари кўз олдимизда бутун бўй-басти билан намоён бўлади.

Бироқ сўз билан таърифлаб, газ билан ўлчаб, тарози билан тортиб бўлмайдиган яна бир омил борки, бу — халқнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишидир.

Бу юксалиш давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий янгиланишларга халқ оммасининг онгли, мустақил ва хайрихоҳ муносабатида, жонкуярлик билан қўллаб-қувватлашида, катта ва олийжаноб мақсадлар йўлида бирлашиш ва ҳамжиҳат бўлишида намоён бўлар экан.

Шунинг учун ҳам икки ҳафта муқаддам бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумини халқимизнинг онги, тафаккури, дунёқарашида рўй берган туб ўзгаришларнинг, сиёсий жиҳатдан янги поғонага кўтарилганининг ёрқин ифодасига айланди, десак асло муболаға бўлмайди.

Юртдошларимиз ҳам, яқин-йироқ хорижий элларнинг давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатдонлари, ҳатто фуқаролари ҳам республика Марказий сайлов комиссиясининг 28 январь куни хорижий ва маҳаллий журналистларга билдирган референдум натижаларига оид дастлабки маълумотлар билан таниш бўлишларига қарамасдан, расмий ва аниқ ахборотни катта қизиқиш билан кутдилар.

Комиссиянинг расмий ахборотидаги «Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди. «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93.65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган», деган маълумот сиёсий савияси, дунёқараши, билими ва тушунчаси, демократик жамият хусусидаги тасаввурига кўра ҳар кимда ҳар хил фикрларни уйғотгани ҳам табиий ҳол. Ушбу рақамлар, энг аввало, референдумнинг демократик асосларда ўтгани, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдиришлари учун республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, овул ва маҳаллаларида тўлиқ шароит яратилганини кўрсатди.

Аксарият кўпчилик юртдошларимиз ушбу рақамлар замиридаги мазмун-моҳиятни ва унинг демократия талабларига мутлақо мос эканини англаб етганлари шубҳасиз. Чунки оддийроқ қилиб айтганда, ушбу референдум овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ҳаммасини участкаларга таклиф қилиб, қўйилган масалаларга нисбатан юз фоиз розилигини олиш мақсадида эмас, балки эл билан маслаҳатлашиш, турли хил қараш ва муносабатларни билиш ва кўпчиликка маъқул бўлган йўлни танлаб олиш, шу асосда давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида ўтказилди.

Модомики, шундай экан, бир миллиондан ортиқ фуқароларнинг овоз беришда иштирок этмагани ҳам табиий бир ҳол. Бу — шўро замонидаги илдиз отган тоталитар тузумнинг бир қолипдаги қотиб қолган қоида ва тушунчаларига кўра

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда



**• Ўтган йили пойтахтимиздаги 191-ўрта мактаб учун Япония ҳукумати томонидан 137 минг АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам кўрсатилган эди. Ана шу маблағнинг 78 минг доллари мактаб биносини таъмирлаш, иситиш ускуналарини янгилаш ва бошқа мақсадларга сарфланган бўлса, қолганига ўқув хоналари учун замонавий жиҳозлар, дурадгорлик дастгоҳлари, компьютер ва тикув машиналари харид қилинди. Бундай эътибор ва қулайликдан мактаб жамоаси миннатдор.**

**• Андижон шаҳар бозори ёнида йирик савдо мажмуи қад кўтарди. Собиқ тикув фабрикаси ўрнида барпо этилган янги иншоот 5000 савдо ўрнига эга бўлиб, унинг лойиҳа баҳоси 800 миллион сўмга тенгдир. «Холис» мажмуида сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароит муҳайё. Ёпиқ ва очиқ павильонлар савдо-сотиқ ишларини йил давомида намунали олиб бориш имконини беради.**

**• «Медатекс» — Вобкент туманида ташкил этилган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ана шундай деб номланади. Жаҳон андозаларига мос, юқори сифатли тола ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхонанинг Низом жамғармаси 4,58 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳозир бу ерда 300 нафар вобкентлик хотин-қиз меҳнат қилишмоқда.**

**Қўшма корхонанинг Москва шаҳридаги «Савдо уйи» орқали қисқа фурсат ичида 270 минг долларлик маҳсулот сотилди.**



**• Урганчда очилган музей залларида халқимизнинг узоқ ва яқин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи 10 мингдан зиёд экспонатлар намойиш этилмоқда. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Хоразм вилоят бўлими томонидан ташкил этилган янги музейнинг ижтимоий-маънавий аҳамияти беқиёсдир. Кўргазмага қўйилган экспонатлар хоразмлик усталарнинг бой санъати ва нозик истеъдодидан далолат беради. Шу боис вилоят марказидаги «Авесто» мажмуида жойлашган музей томошабинлар билан ҳамиша гавжум.**



**• Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши программ-маҳсулоти» танловига якун ясалди. Айтиш керакки, танловга халқ хўжалигини ахборотлаштириш муаммоларига оид 25 та иш таклиф этилган эди. Ташкилий-иқтисодий йўналиш бўйича «Фидо-бизнес» фирмаси томонидан тайёрланган «Тижорат банкларининг автоматлашган ахборот тизими», умумий йўналиш бўйича А.Нуриев ва Г.Галахов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек тили орфографиясини текшириш» дастурлари ғолиб, деб топилди.**

**«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс».**

## ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН!

**Газетамизда «АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИДАН» номли янги рукн очилди. Ушбу рукн остида тарихда ўтган ва бизга замондош бўлган ажойиб тақдирли шахслар ҳаёти ва фаолияти билан газетхонларимиз таништириб борилади.**

**Бугун шу рукн остида газетанинг 3-бетида япон файласуфи, болалар адиби ва шоири, машҳур санъаткор-сураткаш Дайсаку Икэдага бағишланган илк мақолани ўқийсиз.**

## Чет элларда



***• Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай Бирлашган Араб Амирлиги пойтахти Абу Дабида Афғонистон элчихонасини очди.***

***• ГФР мудофаа вазири Рудольф Шарпинг кеча Кобулга келди. Бу ерда у Афғонистон Муваққат ҳукумати аъзолари ва тинчликпарвар контингентига кирувчи бундесвер ҳарбийлари билан учрашишни режалаштирган.***

***• АҚШнинг Гуантанамо (Куба)даги ҳарбий денгиз базасига яна 34 нафар асир олиб келинди.***

***• БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроилнинг Фаластинга нисбатан қилган сўнгги ҳаракатларини танқид қилди. Чунки бомба портлаши натижасида тинч аҳоли ва иншоотларга катта зарар етказилмоқда. Бундан ташқари, БМТнинг икки ходими жароҳат олган, БМТ ва Жаҳон банкига қарашли биноларга шикаст етказилган.***

***• Исроил танклари кеча Фаластинга қарашли бўлган Хапхуль шаҳрига бостириб кирди. Фаластинликлар тарқатган маълумотга кўра, ўзаро отишув натижасида 2 фаластинлик ҳалок бўлган.***

***• Покистон полицияси ўғирланган америкалик журналист Дэниэл Перлни қидирув ишларини асосан мамлакатнинг Лаҳор шаҳрида олиб бормоқда. Уларнинг фикрича, бунда гумон қилинаётган Аҳмад Умар Саед Шайх шу ерда яширинган бўлиши мумкин.***



***• Франция Президенти Жак Ширак президентлик сайловида иккинчи муддатга ўз номзодини кўрсатишини расман эълон қилди. Сайлов 2002 йилнинг 21 апрелида ўтказилади. Агар лозим бўлиб қолса, қайта сайлов ўтказиш 5 майга белгиланган.***



***• Калифорниянинг Ванденбург космодромидан Delta II ракетаси учирилди. У бешта Iridiunm глобал алоқа тизими йўлдошларини орбитага олиб чиқди.***

***• Кеча эрталаб Тайван оролида зилзила рўй берган. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,6 баллга тенг бўлган. Гонконг обсерваторияси сейсмологларининг хабар беришича, ер силкиниши маркази оролдан 36 километр жанубда жойлашган. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида ҳозирча хабарлар йўқ.***

***«Интернет»***

